

01-10/05
19.06.2025 й.

Танлов комиссияси
БАЁННОМАСИ

2025 йил “19” июнь

Навоий шаҳри

- Раис:** - Н.Турсунов - Навоий вилояти ҳокими
- Комиссия аъзолари:** - Р.Сулаймонов - вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, комиссия аъзоси,
Э.Авезов - вилоят ҳокимлиги ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари, комиссия котиби,
Ф.Казаков - вилоят ҳокимлиги юридик хизмат бошлиғи, комиссия аъзоси,
Ж.Бобомуродов - вилоят ҳокимлиги ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари,
Ф.Хасанов - вилоят ҳокимлиги коррупцияга қарши ички назорат қилиш шуъбаси бошлиғи, комиссия аъзоси,
Ш.Аминжанов - вилоят ҳокимлиги тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга қўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш гуруҳи раҳбари.
- Таклиф қилинганлар:** - Д.Қодиров - Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Навоий вилояти филиали инспектори, ОАВ вакиллари (Навоий вилоят телерадиокомпанияси, “Ўзбекистон-24” телеканали).

Йиғилиш кун тартиби:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сон Фармони ҳамда Навоий вилояти ҳокимлигида мавжуд бўш вакант иш ўринларига номзодларни танловнинг суҳбат босқичидан ўтказиш тўғрисида.

Ахборот-таҳлил гуруҳи бош мутахассиси лавозимига жами 58 нафар номзодлар хужжат топширган бўлиб, танлов комиссияси томонидан ўтказилган саралашдан сўнг, 19 нафар номзодлар тест босқичига ўтказилди.


Ахборот-таҳлил гуруҳи бош мутахассиси лавозимига 13 нафар номзодлар тест синовини босқичидан ўтиб, суҳбат босқичига ўтказилди.

Ахборот-таҳлил гуруҳи бош мутахассиси лавозимига ўтказилган суҳбат босқичида 4 нафар номзодлар иштирок этди.

Сухбат давомида Комиссия аъзолари номзодларнинг намунавий шахсий фазилатларига, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, муассаса стратегик мақсадларига эришишга таъминлаш хусусиятларига эга бўлиши, стратегик ва таҳлилий фикр юрита олиши, қарорларни тез қабул қила олиши ҳамда уларни бажара олиши, юклатилган вазифаларни сифатли ва самарали бажара оладиган, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши, охириги бир йил давомида давлат органлари ва ташкилотларидан салбий сабабларга кўра белгиланган тартибда бўшатилмаганлиги каби жиҳатларига эътибор қаратилди.

Танлов якуни билан комиссия аъзоларининг якуний овоз бериш хулосаларига асосан ахборот-таҳлил гуруҳи бош мутахассиси лавозимида Баротов Жамшид Ибрагимовичнинг номзоди муносиб кўрилди.

Танлов комиссияси раиси:




Н.Турсунов

Танлов комиссияси котиби:



Э.Авезов

Танлов комиссияси аъзолари:




Р.Сулаймонов



Ф.Казаков



Ж.Бобомуродов



Ф.Хасанов



Ш.Аминжанов

Баённомани расмийлаштирди



А.Холиқов